БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 250 (17.830). • 30 октябрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЛКАН МАРРА АРАФАСИДА

29 октябргача республика бўйича 5.898.343 тонна, шу жумладан ўтган куни 42.923 тонна «оқ олтин» тайёрланди.

Машиналар ёрдамида 3.666.200 тонна пахта терилди, шунинг 30.640 тоннаси ўтган куни «пўлат этак»лардан бўшатилди.

Мавсум бошидан буён 325.297 тонна, шу жумладан ўтган куни 3.361 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

Пахта тайёрлашда Самарқанд области, Қорақалпоғистон АССР, Андижон ва Наманган областлари ҳамон суръатни бўшаштирмаётирлар.

Ҳосилнинг сўнгги мисқолини ҳам ерда қолдирмай йиғиб-териб олайлик!

ОКТЯБРОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

КОЛЛЕГИАЛЛИК — РАҲБАРЛИК НЕГИЗИ

Жамият тараққиётига таъсир ўтказиши жиҳатидан етакчи ва раҳбар куч бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг роли тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда раҳбарлик ҳамиша жамият барча аъзоларининг коллектив ақл-заковатига, коллегиалчилик принципига таянади. КПСС ва унинг жанговар отрядларидан бири ҳисобланган республикамиз партия ташкилоти иш практикасида бу қоида қатъий қарор топган. Буни жойларда ички партиявий демократияни янада ривожлантиришга қаратилган самарали чоралар кўрилаётганида, коммунистлар ва партиясиз активларнинг ижодий ташаббускорлиги кучаяётганлигида, уларнинг коммунистик қурилишга раҳбарлик қилишдаги иштироки тобора самарали бўлиб бораётганлигида яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда маҳаллий партия комитетларида, Советларнинг ижроия комитетларида, бошқа жамоат ва кооператив ташкилотларида профессионал ходимлар билан бирга юзлаб ва минглаб ишлаб чиқариш новаторлари иш кўряпгани, бу ҳол хўжалик ва маданий қурилиш жараёнларига коллегиал раҳбарликнинг имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш учун қулайлик туғдирмоқда. Энг муҳими, кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаларини тўла ҳисобга олган ҳолда обдон ўйлаб қабул қилинаётган қарор ёки фармойишларда партия, совет, касаба союз, комсомол ишига, хўжаликка раҳбарлик қилишга жалб этилган ва қарорларнинг бевосита ижрочиси бўлган ўша ишчининг ҳам, колхозчи-деҳқоннинг ҳам ўз овози бор. Бу эса ҳар қандай қарорга ҳам таъсирчанлик бахш этмоқда, уларнинг самарадорлигини тобора оширмоқда.

Шу жиҳатдан ғалаба район партия комитетининг хўжаликка ва маданий ҳаётга раҳбарликни амалга оширишда қўллаётган усул ва услублари алоҳида диққатга сазовордир. Бу ерда ҳоҳ ишлаб чиқаришга оид бўлсин, ҳоҳ социал-маданий тараққиётга оид бўлсин, кун тартибига қўйилган ҳар бир масала диққат билан ўрганилади, партия комитети ва унинг бюроси аъзоларининг шу хусусдаги истак ва мулоҳазалари ҳам ҳисобга олинади, агар зарурат туғилгудай бўлса партия-хўжалик активи билан, ишлаб чиқариш новаторлари ва мутахассислар билан, халқ депутатлари ва кекса тажрибакорлар билан маслаҳат қилинади. Шуни яна алоҳида қайд қилиш керакки, район партия комитетида ҳам, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетида ҳам, бошқа жамоат ва кооператив ташкилотларида ҳам кишилар кўнглига тугиб юрган гапларни бемалол, тортинмасдан, тўла изҳор эта олишлари ёки камчиликлар ва нуқсонларни ошкора тарзда, хеч ҳайиқмасдан кўрсата билишлари учун ҳамиша қулай вазият ҳукмрондир. Бу эса районда иқтисодий ва социал-маданий қурилишнинг барча соҳаларида муттасил равишда юқори кўрсаткичларга эришиш имконини бермоқда.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнларига ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига раҳбарликнинг коллегиал тарзда олиб борилишига қатъий амал қилиб, бу борада муайян тажриба орттирган Тошкент, Янгийўл, Навоий шаҳар партия комитетларининг, Қува, Оҳангарон, Конимех, Фориш, Ромитан, Калинин, Тошкент, Тўрткўл, Қумқўрғон, Хива ва бошқа қатор район партия комитетларининг, Самарқанд, Нукус шаҳар Советлари ижроия комитетларининг, кўплаб саноат, қурилиш ва кишлоқ хўжалиги корхоналарининг иши ҳар томонлама ўрганишга ва кенг оммалаштиришга арзигулик мисолларга бойдир. Уларда кун тартибига қўйилаётган ҳар қандай масала кўпчиликнинг муҳокамасидан ўтгач ҳал бўлишидан ташқари қабул қилинадиган қарорнинг ижроси учун конкрет ким жавобгар эканлиги ва қарор қайси муддатда бажарилиши лозимлиги ҳам аниқ кўрсатилади. Шундай қилинганда, табиийки, қарорнинг ижроси учун масъулият ҳам ошади, унинг ижросини назорат қилиш ҳам енгиллашади. Оқибат натижада унинг бажарилишидан келадиган самара ҳам аниқ бўлади.

Афсуски, редакциямизга келаётган хатлар орасида баъзи жойларда хўжалик ва маданий ҳаётга раҳбарликнинг коллегиалчилик методи қўпол равишда бузилаётгани ҳақидаги ташвишли сигналлар ҳам учраб туради. Жумладан, Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз правлениесида кейинги йилларда раҳбарликнинг коллегиалчилик принципига риоя қилинмаётганлиги, правление раиси И. Қодировнинг одамларга қўпол муомалада бўлаётганлиги ҳақида, унинг молиявий интизомни бузиб, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик билан шуғулланаётганлиги тўғрисида шикоят хатлари кела бошлаган эди. Редакцияга келган шикоятлар район партия комитети томонидан атрофлича текширилиб, юқоридаги камчиликларга йўл қўйгани учун И. Қодиров колхоз правлениеси раислигидан олиб ташланди. Колхоз Уставини бузганлиги, молиявий интизомга риоя қилмаганлиги учун колхознинг бош бухгалтери А. Мажидов ҳам ишдан бўшатилди, ревизия комиссиясининг раиси А. Султонов КПСС сафидан ўчирилди.

Яна бир нарсани эслатиб қўйиш керакки, раҳбарликнинг коллегиалчилик методини рўкач қилиб, топширилган иш учун шахсий жавобгарликдан ўзини четга олиб қочишга уринадиганлар ҳам учраб туради. Улар коллегиалик доирасини ҳаддан ташқари кенгайтириб, расмиятчиликка ва масъулиятсизликка олиб борадиган йўлни тутишга уринадилар, яъни раҳбарлик органига қанча кўп аъзо киритилса, масъулият шунчалик камайишига умид боғлайдилар. 1919 йилдаёқ Владимир Ильич Ленин бундай раҳбарларни қатъий огоҳлантириб, коллегиалчилик ниқоби остига яширинадиган масъулиятсизлик энг қўрқинчли бало бўлиб, бу жуда ҳавфлидир, деган эди.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ҳамда кооператив ташкилотлари жамият ишларига раҳбарлик ҳамиша ишчанлик вазияти мавжудлигини тақозо қилишини сира ҳам унутмасликлари, ҳар бир масалада омилкорлик, уддабуронлик ва ташкилотчилик намуналарини кўрсатишлари, шировард мақсад учун курашга сафарбар этувчи куч сифатида майдонга чиқишлари керак. Кўпчиликнинг коллектив ақл-идрокига таяниб, унинг номидан ва манфаатлари йўлида иш кўришга даъват этилган коллегиал раҳбарликнинг муваффақияти эса ўша коллективдаги ички муҳитнинг соғломлигига — хайрихоҳлик ва дўстона ҳамжиҳатликка, меҳнаткашларнинг область, шаҳар ва район ёқи ишлаб чиқариш коллективи олдида турган улкан вазифаларни шараф билан бажариш учун курашга тайёрлик даражасига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам КПСС XXVI съездига тайёргарликнинг бошланғич босқичи — партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар давом этаётган ҳозирги пайтда раҳбар кадрларнинг ишчанлик фазилатларига эътибор берган ҳолда раҳбарликнинг коллектив органларига одамлар билан умумий тил топа биладиган, ҳайрихоҳ, муомалали, хушфеъл, билимдон ва уддабурон кадрларни сайлаш ва кўтариш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш керак.



Толлимармон районидаги «ВЛКСМ XVIII съезди» совхозининг донгдор механизатори Насриддин Абдуллаев бу йил 700 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилган. Моҳир механизатор шу кунларда кўзлаган маррасига етиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Суратда: Н. Абдуллаев.

Ж. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РАПОРТ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан январь-октябрь ойлари планини муддатидан илгари, 28 октябрда бажардилар.

Нефть ва кўмир қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, трактор сеялкалари, пайпоқлар, сутга айлантириб ҳисобланганда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўн ойлик планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда. (ЎзТАГ).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛСИН, МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

ФАРҒОНА, 29 октябрь. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Пленумда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. Фозилов, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Мусабеков, Қувасой цемент комбинатининг машинисти Е. И. Малолеткина, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Ҳусанова, 8-қурилиш трестининг катта инженери В. А. Белоусова, «Бешариқ» совхозининг директори Е. Мелиев, Фарғона области касаба союзлари Комитетининг раиси П. А. Латипжонов, Бувайда районидаги «Ленинобод» юлхози партия комитетининг секретари М. Ҳўжамова, область халқ хўжалиги беш йиллигини қандай муваффақиятлар билан якунлаётганлиги тўғрисида гапирдилар. 1976 йил бошлангандан бери область 1 миллиард 180 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш беш йиллик планлари бажарилди. Бир миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Қишлоқ меҳнатчилари дон, сабзавот, пилла етиштириш ва тайёрлаш бешйиллик топшириғини бажариб бўлдилар.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишидаги сифат кўрсаткичларини оширишда, ишлаб чиқариш потенциалидан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда муайян муваффақиятларга эришилди. Меҳнат интизоми, уни ҳисобга олиш системаси яхшиланди. Бу соҳада Фарғона механика заводининг, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Қувасой парранадачилик фабрикасининг коллективлари намуна қилиб кўрсатилди.

Область корхоналари ва қурилишларида КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган программ нутқига жавобан «Беш йилликни зарбдорларча якунлаймиз. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. 32 та саноат корхонасининг, 87 та цех ва 923 та бригаданинг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда қишлоқ жойларда ҳам кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди. Ҳозир дала меҳнатчилари «оқ олтин»ни ўчун зўр ғайрат билан жанг қилмоқдалар. Ҳозиргача давлат хирмонига 550 минг тоннадан кўпроқ пахта элтиб берилди. Чорвадорлар ҳам жонажон партия съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун кўп куч сарфламоқдалар. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Пленум қатнашчилари область корхоналари ва қурилишларида КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган программ нутқига жавобан «Беш йилликни зарбдорларча якунлаймиз. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. 32 та саноат корхонасининг, 87 та цех ва 923 та бригаданинг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда қишлоқ жойларда ҳам кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди. Ҳозир дала меҳнатчилари «оқ олтин»ни ўчун зўр ғайрат билан жанг қилмоқдалар. Ҳозиргача давлат хирмонига 550 минг тоннадан кўпроқ пахта элтиб берилди. Чорвадорлар ҳам жонажон партия съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун кўп куч сарфламоқдалар. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Пленум қатнашчилари область корхоналари ва қурилишларида КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган программ нутқига жавобан «Беш йилликни зарбдорларча якунлаймиз. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. 32 та саноат корхонасининг, 87 та цех ва 923 та бригаданинг коллективлари беш йилликнинг якунловчи йили планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда қишлоқ жойларда ҳам кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди. Ҳозир дала меҳнатчилари «оқ олтин»ни ўчун зўр ғайрат билан жанг қилмоқдалар. Ҳозиргача давлат хирмонига 550 минг тоннадан кўпроқ пахта элтиб берилди. Чорвадорлар ҳам жонажон партия съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун кўп куч сарфламоқдалар. Улар чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Пленумда шу кунларда пахтазорларда юксак уюшқоқликни таъминлаш муҳимлиги алоҳида куч билан таъкидлаб ўтилди. Ёғин-сочин бошлангунча жамики етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва Ватанга олти юз минг тонна Фарғона пахтасини етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажариш учун барча машина-механизмларни ва меҳнат ресурсларини тезроқ ишга солиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарур.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум қабул қилинган қарорда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигида кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш юзасидан, съездолди социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (тайёрлашнинг умумий ҳажмига нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	0,30	112,02	0,33	109,85
БУХОРО	0,37	111,71	0,47	84,17
САМАРҚАНД	1,21	109,00	1,72	93,34
ҚАШҚАДАРЁ	0,29	106,47	0,25	98,47
СУРХОНДАРЁ	0,44	106,18	0,45	96,80
ЖИЗЗАХ	0,43	105,20	0,13	109,33
СИРДАРЁ	0,70	103,82	0,43	104,44
ХОРАЗМ	0,89	101,82	1,22	98,06
ҚҚАССР	1,17	100,04	1,28	94,65
Фарғона	0,96	96,07	0,90	84,10
Андижон	1,10	94,14	1,04	74,91
Наманган	1,01	91,50	1,15	77,16
Республика бўйича:	0,74	101,70	0,80	95,23
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	0,91	96,63	1,07	84,37
Бухоро	1,69	91,86	2,98	63,35
Қашқадарё	0,83	88,01	0,93	67,61
Наманган	1,28	68,10	—	15,34
Республика бўйича:	0,96	92,94	1,15	75,49

МЕТАЛЛУРГЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

ЧИРЧИҚ, 29 октябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон қайин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган мусобақада катта муваффақиятга эришди: маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш беш йиллик топшириғи муддатидан барвақт бажарилди. Корхонанинг замонавий техника билан таъминланиши ўсди, меҳнат унумдорлиги ошди. Корхона пешқадамлари орасида 1985 йил ҳисобига меҳнат қилаётган кишилар кам эмас.

Бугун комбинатда ўнинчи беш йиллик планининг бажарилишига бағишлаб митинг ўтказилди. Митинг қатнашчилари эришилган ютуқларини кўпайтиришга, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган вазифаларни шараф билан бажаришга аҳд қилганликларини тўғрисида гапирдилар. Йил охиригача қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилинди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Жиззах область партия комитетининг 29 октябрь куни бўлиб ўтган пленумида оммавий мудофаа ишларини янада кучайтириш ва КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш савиясини ошириш соҳасида областдаги партия ва совет органларининг, жамоат ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда Дўстлик район партия комитетининг халқ контроли органларига раҳбарлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Пленумда Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Боймиров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРГАНЛАР

✦ Шўрчи райони. Давлатга 80 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил кўтарилди.

✦ Боёвут райони. Ватанга 60,5 минг тонна дурдона армуғон этилди. Ана шу ҳосилнинг 50 минг тоннаси машиналар ёрдамида саранжом-саришталанди.

✦ Эллиққалъа районидаги «Москва» совхозининг механик-ҳайдовчиси СССР Олий Совети депутати Жамила Бекжонова ҳам ўз мажбуриятини адо этди. У агрегат бункеридан 500 тонна пахта бўшатди. Моҳир механизатор яна 50 тонна дурдона териш юзасидан янги мажбурият олди.

✦ Оқдарё райони. Бу район меҳнаткашлари давлатга 55.300 тонна пахта топширдилар. Ҳосилдорлик 31 центнерни ташкил этди. Оқдарёликлар ялпи ҳосилни 60.000 тоннага етказишни кўзламоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

✦ Пайариқ райони. Район пахтакорлари эл ҳирмонига 67000 тонна дурдона армуғон этдилар. Эришилган ғалабага «Ленинград», Калинин номли, «Ленинизм», Карл Маркс номли колхозларининг деҳқонлари катта ҳисса қўшдилар. Пайариқлик пахтакорлар мажбурият ҳисобига яна 3 минг тонна хом ашё топширадилар.

✦ Риштон райони. Бу ерда давлатга 39 минг тоннадан зиёд пахта топширилди. Район заршунослари ялпи ҳосилни 45 минг тоннага етказишга сўз бердилар.

✦ Бағдод райони. Район пахтакорлари қабул пунктларига 37.600 тонна хом ашё топширдилар. Бағдодлик механизаторлар яна шу ҳосилнинг салкам 20 минг тоннасини машиналар билан териб, йиллик планни уддаладилар.

✦ Меҳнатобод райони. Сирдарё областининг кенжа районидаги Ғанишер Юнусов номли, Йўлдош Охунбобоев номли совхозлар чўлқуварларни қабул пунктларига 8—10 минг тоннадан хом ашё топширдилар.

✦ Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Киров номли ва «Правда», Амударё районидаги Крупская номли колхозлар, Ленинобод районидаги «Ленинград» совхози ҳам йиллик планни адо этишди.

✦ Қизилтепа райони меҳнаткашлари давлатга ингичка толали пахта топшириш планини адо этдилар.

✦ Жарқўрғон райони заршуносларн ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига 32,5 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот топширилди.

✦ Зарбдор районидаги «Оқолтин» совхози деҳқонларн қабул пунктларига 3.360 тонна хом ашё топширдилар. Хўжалик меҳнаткашларн мавсум охиригача яна 1.640 тонна пахта тайёрлашга қарор қилдилар.

✦ Ўтган куни пахта йиғим-теримида иштирок этаётган студент-ёшлар орасида Тошкент маданият институтининг Наманган комплекс факультети талабаларн энг юқорн иш унумига эришдилар. 300 кингит ва қизнинг ҳар бирн ўртача 52 килограммдан «оқ олтин» теришга эришди.

✦ Ҳамид Олимжон номли Қарши давлат педагогика институтининг студентларн эл ҳирмонига 5.835 тонна дурдона тўкдилар. Улар биргина Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхознинг ўзидагина 155,6 тонна «оқ олтин» териб олдилар.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

✦ Поп район меҳнаткашлари беш йил мобайнида Ватанга 260.570 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

Районда дон, пилла, мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш беш йиллик планлари ҳам бажарилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР: ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ БАЖАРИЛДИ

✦ Қорақалпоғистон автоном республикаси деҳқонлари иккинчи кундирки, ўзларининг юксак социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар. Улар шу кунгача 395 минг тоннадан зиёд пахта тайёрладилар. Шунинг 265 минг тоннадан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди.

Автоном республикада 56 колхоз ва совхоз коллективи йиллик планни муваффақиятли бажаришга эришди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»нига ёзилади

Қорақалпоғистон АССР — область партия комитетининг секретари ўртоқ Камолов, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Рзаев, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Т. Айтмуротов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги министри ўртоқ Курбонов, «Заготхлопкопром» Қорақалпоғистон бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ Худойбергенов, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти давлат комитетининг раиси ўртоқ Дошанов, суғориш системалари Амударё дельта бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жоманқораев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Досшумбоев, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ Тўғузбоев.

ФАЗОГИРЛАР ЗВЁЗДНИЙДА

Космонавтлар Леонид Попов билан Валерий Рюмини Москвада кутиб олишди.

Москва областидаги аэродромда уларни кутиб олгани олимлар, конструкторлар, космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбарлари йиғилдилар.

Экипаж командири тошшириқ бажарилганлиги тўғрисида рапорт беради. Космонавтларга Звёздний шаҳарчасида етиштирилган гулдасталар тутқазилади.

Маданият уйида бўлиб ўтган митингда конструкторлар, космонавтларни тайёрлаш маркази раҳбарлари, экипаж аъзолари гапирдилар. Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга йиғилганлик билан табрикнома қабул қилдилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС мухбири.
Звёздний шаҳарчаси.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Партия ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсларида тингловчиларнинг навбатдаги группаси машғулотларни тугатди. Тингловчилар орасида область партия комитетларининг масъул ходимлари, республика ва область газеталари редакторларининг ўринбосарлари ва бўлим бошлиқлари, Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг район ва шаҳар газеталари редакторлари бор. Улар марксча-ленинча назариянинг актуал проблемалари, коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси бўйича КПССнинг иқтисодий стратегияси, партия ишлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ташқи сиёсий фаолияти тўғрисидаги масалалар бўйича лекциялар тингладилар.

Курс тингловчиларининг якунловчи мажлисида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими С. К. Чуйкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашдаги хизматлари учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан СССР Алоқа министрлигига қарашли Тошкент алоқа политехникуми Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри
1980 йил 29 октябрь.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми прокуратура ва давлат арбитражи органларида кўп йил самарали ишлаганлиги ҳамда республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги давлат арбитражининг бош давлат арбитри ўринбосари Ян Иванович Карелинга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист** фахрий унвони берди.

НАЗОРАТЧИЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ХАЛҚ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

Ўзбек пахтакорлари юксак зафар қучишди. Салкам олти миллион тонналик «оқ олтин» хирмони уйилди. Бироқ, пайкалларда ҳали пахта ҳосили кўп. Халқ назоратчилари, пахтакорлар катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни сўнгги граммигача нобуд қилмай териб олиш, саксонинчи йил хирмонини 6 миллион тоннага етказиб, ҚПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёруғ юз билан кутиб олишга азму қарор қилдилар.

ҲАММА САФАРБАР

Районимиз халқ хўжалик планини республикамизда биринчи бўлиб бажарди, давлатга ҳозирга қадар сотган биринчи сорт пахтамиз 53 минг тоннадан ошиб кетди. Ҳосилдорлик гектар бошига 44 центнерларга тўғри келмоқда. «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан» синтари йирик совхозларимиз атиги 20 иш кунида планларини ошириб адо этишди. Қолган хўжаликлар ҳам барвақт мафрага етди.

Айни кунда мажбурият ҳисобига пахта топширилаётир. Район бўйича ҳосилдорликни гектар бошига 52 центнерга етказишга сўз берганимиз. Бунда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб улуши бор. Жойларда қўшимча 146 та назорат посги ташкил этилди. Улар атрофига уюшган 300 нафар назоратчи шу кунларда пахта териш, тайёрлаш ва топшириш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларга кўз-қулоқ бўлиб туришибди. Жойларда юз берган камчиликларни дарҳол бартараф этиш, лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўйган кишиларни сергакликка чақириш чораларини кўрмоқдалар.

«Октябрь 50 йиллиги», К. Маркс номли ва Нариманов номли хўжаликларнинг назоратчилари мавсум бошидан буён йиғим-терим суръати ва сифати юзасидан 5—6 мартдан рейд ўтказдилар. Текширишлар натижасида қатор бригадаларда пахта нобудгарчилигига йўл қўйиш, уни чаноқларда қолдириб кетиш, хом, ҳали пишиб етилмаган чаноқдаги пахтани териш, механизмларни бўшаштириб, хотиржамлик кайфиятларига йўл қўйиш каби фактлар аниқланди. Камчиликлар ҳар уч хўжалик маъмуриятн ва партия ташкилотлари йиғилишларида атрофлича муҳокама этилиб, таъсирчан тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда К. Маркс номли колхоз халқ контроли группасининг (раиси С. Сиддиқов) фаолияти ҳақида айниқса илиқ гапларни айтиш мумкин. Группа йиғим-терим арафасида пахта ҳосилини қисқа муддатларда, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олиш ва бу умумхалқ ишида назоратчиларнинг актив иштирокини таъминлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиласан эди. Бу тадбирлар район газетасида эълон қилинди ва район партия комитети бюросида маъқулланди. Бугунги кунда группа атрофига уюшган 76 нафар назоратчи йиғим-терим суръатини кун сайин ошириб, пахта нобудгарчилигига қарши курашнинг жонкуярлари сифатида фаолият кўрсатишаётир.

Мавсум бошланганидан буён хўжалик далаларида ўтказилган 6 рейд давомида 5, 8, 13-бригадаларда терим сифати ва суръатининг пастлиги, айни пайтда ҳамма бригадаларда ҳам ишчи кучлари теримга тўла жалб этилмаганлиги аниқланди. Бунга тезда барҳам берилгач, хўжаликда теримчилар сони 200 кишига ортди. Колхозда кунлик пахта тайёрлаш кескин кўпайди.

Яқинда назоратчиларимиз район газетаси ходимлари билан ҳамкорликда «Ромитан» совхозининг бир неча бўлимлари ва бригадаларида бажарилаётган ишлар билан танишиб, бир қатор нуқсонларга йўл қўйилаётганини аниқлашди. Чунончи, 3 та бригададаги айрим пайкалларда «оқ олтин» нобуд қилинаётгани, айниқса, ўртоқ Ражабов бошлиқ бригададада 5 гектар майдоннинг қарийб 200 килограмм пахтаси чаноқларда қолдириб кетилгани оқибатида нобуд бўлаётгани назоратчиларни ташвишга солди. Бу ҳол совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти мажлисида қаттиқ муҳокама қилиниб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бу йил районда яппи ҳосилнинг 48 минг тоннаси машиналар билан териб олинади. Шу кунларда пахта майдонларида 237 та «занги кема», минглаб чевар теримчилар, ҳашарчилар матонат билан ишлаб, катта хирмонимизга қут-барака киритмоқдалар. Район халқ контроли комитети дала механизаторларига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи билан қизиқди. Назоратчилар Энгельс номли, К. Маркс номли колхозларда ва «Октябрь 50 йиллиги» совхозида маданий-оқартув ишларига кам эътибор бераётгани, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши ёмон аҳволда эканлигини аниқлашди. Бу борада эътиборсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган район маданият бўлими мудири А. Ашрапов ва маданият уйи директори А. Умарқуловга район халқ контроли комитети ҳайфсан эълон қилди.

Баъзи хўжаликларда машина теримига эътибор берилмаётгани, айрим агрегатлар арзимаган сабаб билан тўхтатиб қўйилаётгани ҳамда кўрак териш, чувиш, тўкилган пахтани териш агрегатлари ремонтида нуқсонларга йўл қўйилаётгани очиб ташланди. Буларнинг ҳаммаси районимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилининг бир миқолини ҳам нестнобуд қилмай, йиғиб-териб давлатга топшириш, теримни муваффақиятли якунлашга кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ф. ҲАМИДОВ,
Ромитан район халқ контроли комитети раиси.

Андижон область Москва районидаги «Октябрь 60 йиллиги» колхозининг механик-ҳайдовчиси, КПСС аъзолигига кандидат Муҳаммаджон Бўрчиев пахта йиғим-теримида барча ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётир. У бу йил 450 тонна «оқ олтин» теришга сўз берган. Суратда: М. Бўрчиев.

Т. Ҳамроқулов фотоси.


КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИЛИГИДА

Комсомолобод райони механизаторлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Юксак план ва социалистик мажбуриятларнинг шараф билан адо этилишига «Партия XXIV съезди» совхози пахтакорлари айниқса катта улуш қўшишди.

— Совхозимиз пахтакорлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизғин авж олдиришган, — дейди совхоз партия комитетининг секретари Ё. Қўшоқов. —Механизаторлар ҳал этади. Шу сабабли ҳосилни машина ва механизмлар ёрдамида териб олишга эътибор кучайтирилаётир. Коммунист Х. Долимов, С. Тиловолдиев сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 300 тоннага етказиб пахта теришга аҳд қилишган эди. Улар катта марраии эгаллаш арафасида туришибди.

Совхоз партия комитети ва халқ контроли бош группаси ҳосил йиғим-теримини қисқа муддатларда ўтказиш бўйича тузилган партиявий-ташкилий ва сиёсий тадбирларни амалга оширмоқда. Натижада совхоз областда биринчилар қаторида йиллик планни адо этди. Эндиги вазифа — етиштирилган ҳосилнинг бирор граммини ҳам нобуд қилмай териб, давлатга топширишдан иборат.

А. УСМОНОВ.



Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ТУШОВЛАНГАН МАШИНАЛАР

Республика колхоз ва совхозларида автомобиль транспорти воситаларидан қандай фойдаланилмоқда? Халқ назоратчилари ана шу мақсадда Ўзбекистоннинг турли областлари хўжаликларида бўлиб, текшириш ўтказишганида, 3 мингдан зиёд юк автомашинасидан бесабаб фойдаланилмаётгани аниқланди. 675 машина уч ойдан бир йилгача ишлатилмаган. Оқибатда колхоз ва совхозларда юк машиналаридан фойдаланиш бўйича техник-иқтисодий планлар уддаланмаяпти.

Ремонт қилиниши лозим бўлган машиналарни созлаш учун хўжаликлар базар ремонт базаларига эга эмас. Автомобилларга техника хизмати кўрсатишнинг ночорлиги ҳам кўп юк машиналари белгиланган муддатлардан олдин сафдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Баъзи колхоз ва совхозларда юк машиналаридан енгил машина сифатида ва шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиляпти. Айрим шоферлар машиналарни гаражларга қўймай, ҳовлиларида қолдиришмоқда.

Ёнилғи-мойлаш материалларидан оқилона фойдаланишга панжа орасидан қаралаётир. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги колхоз ва совхозларида 1,4 минг тонна, «Узплодоовощчиинпром» бирлашмасида 600 тонна бензин ошиқча сарф этилган.

Республика Халқ контроли комитети колхоз ва совхозларда автомобиль транспортидан, ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари А. Богмага ҳайфсан эълон қилди. «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Ёдгоров, «Узплодоовощчиипром» бирлашмаси раисининг ўринбосари ўртоқ Ниёзметов юк машиналаридан фойдаланишга, ремонт базалари қурилишига бефарқ қарашгани эслатиб ўтилди.

МАСЪУЛИЯТСИЗ ДИРЕКТОР

«Госкомсельхозтехника» республика бирлашмаси комплектлаш базаси директори Г. Лебедев кейинги пайтларда ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашиб, план ва топшириқларнинг бажарилишини таъминламади, автотранспорт воситаларини намунали сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларини бузди. Товар айирбошлаш ярим йиллик плани 73 процент, юк ташиш 83 процент адо этилди. Планда белгиланган 57 минг сўмлик ўрнига атиги 1 минг сўмлик фойда олинди. Шоферлар командировкадан 13—25 кунлаб кеч келишига, бухгалтерлик ҳисоботи қоникарсиз ташкил этилишига қарши чора кўрилмади.

Базада кадрлар қўнимсизлиги авж олган. Шу йилнинг биринчи ярмида 139 киши ишга қабул қилиниб, 143 нафар ходим ишдан бўшатилган. Ярим йил ичида уч нафар бош бухгалтер, 4 нафар транспорт бўлими бошлиғи, 2 нафар бўлим бошлиғи алмашган.

Республика Халқ контроли комитети директор Г. Лебедевни план ва топшириқларнинг адо этилишини таъминламагани, социалистик мулкни сақлашда қўпол камчиликларга йўл қўйгани учун ўз вазифасидан озод қилдиқўйи бўлди. Бироқ хатоларини тан олиб, база фаолиятини яхшилаш бўйича қатор тадбирларни амалга ошираётганини ҳисобга олиб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилди ҳамда бир ойлик маоши ҳажмида жарима солиш ҳақида қарор чиқарди.

Шуниидек, комплектлаш базаси ишига суст раҳбарлик қилгани учун «Госкомсельхозтехника» республика бирлашмаси комплектлаш бош бошқармаси бошлиги Ю. Андрейчиков ва транспорт бошқармаси бошлиги Д. Мирзоянга ҳайфсан эълон қилинди.

КАМОМАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИШДИ

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетида кейинги йилларда хўжасизлик, давлат мулкини талон-торож қилиш авж олди. Ўтган йили ва 1980 йилнинг 6 ойида 236 марта давлат мулкини сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши содир бўлиб, оқибатда 263 минг сўмлик маблағ кўкка совурилди. Бир ярим йил ичида 208 минг сўмлик материаллар ҳисобдан чиқарилди. Аммо бу ишда айбдор шахслар аниқланмади ва жазоланмади.

Давлат комитети контроль-ревизия бошқармаси ходимларининг иш юритишни талабга жавоб бермайди. 1979 йили 188 та хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларнинг 156 тасида, яъни 80 процентида тафтиш ўтказилиши планлаштирилган эди. Аммо бу борада белгиланган тадбирлар тўла бажарилмади.

Айрим қурилиш ташкилотлари назорат сусайиб кетгач, планда белгиланмаган объектларда ҳам ишлашмоқда. 1980 йилнинг ўтган олти ойида «Амубухараканалстрой» бошқармаси планда кўзда тутилмаган объектларда 537 минг сўмлик, «Қашқадарьяводстрой» трести 401 минг сўмлик иш бажаришди.

«Қашқадарьяводстрой» трестининг 9 ташкилотида 700 минг сўмлик жиҳозлар кўп вақтдан буён фойдаланилмасдан занг босиб ётибди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети тафтиш ишларини қоникарсиз ташкил этиб, давлат комитети коллегияси бўйруқ ва кўрсатмаларининг бажарилиши устидан назоратни бўшатириб юборгани учун контрольревизия бошқармаси бошлиги Е. Карелинга, план ва топшириқларнинг адо этилишини таъминламагани учун «Ташкентдорводстрой» трести бошқарувчиси А. Дулинга ҳайфсан эълон қилди.

БИР ЧАНОҚ ПАХТА

Бу йилги пахта йиғим-теримининг характерли томони шундаки, ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари ҳар йилдагидан ҳам уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Пахтани пайҳон қилиш ҳоллари камайди. Колхоз ва совхозларнинг кўпчилиги, район қишлоқ хўжалик бошқармалари ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш чораларини кўрмоқдалар.

«Оқ олтин» ҳосилига барака киритиш учун эрта баҳордан тер тўккан деҳқон бир чаноқ пахтанинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймайди, унинг қадрига етади. Лекин айрим колхоз ва совхозларнинг, пахтачилик бригадаларининг раҳбарлари пахтазорларни кўриқлашга, ҳосилни пайҳон қилишнинг олдини олишга етарли эътибор бермаётганликлари маълум бўлиб қолди. Масалан, Жомбой районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоси С. Саторовнинг тўрт бош қорамоли 8-бригада пахтазорига кириб, ҳосилга анча зарар етказган. Мутахассислар колхозга келтирилган зарарни 75 сўмлик деб ҳисобладилар. Қорамолларни қаровсиз қолдирганлиги ва бунинг оқибатида колхоз пахтасига зарар етказилганлиги учун Саторов жиноий жавобгарликка тортилиб, иши судга оширилди. Суд эса иш ҳақидан 20 процентини давлат фойдасига ушлаб қолиш ва бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди.

Наманган областининг Янгиқўрғон район прокурори Киров номли колхоз аъзоси У. Каримовни маъмурий ва моддий жавобгарликка тортди. Унинг 12 бош қўй ва эчкиси пахтазорга кириб, ҳосилга анча зарар етказган.

Бухоро область Пешқу районидаги Қуйбишев номли колхозда текширишга тўкзилган вақтда колхозчилардан Н. Рамазонов, Р. Рамазонов, Т. Норов, Р. Яқшиев, А. Насруллаев ва Т. Остоновларнинг 117 бош қўй ва эчкиси пахтазорга қўйиб юборилгани аниқланди. Бухоро область прокуратура органлари юқорида номлари тилга олинган шахслар билан бирга жами 32 кишини пахтани пайҳон қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортдилар. Уларга тегишли жарима солинишидан ташнари давлатга етказилган 1132 сўм зарар ундириб олинди.

Шовот районидаги «Москва» ва «Коммунизм», Шаҳрисабз районидаги «Коммунизм», Коммунистик районидаги «Ленинский путь» ва «Правда», Ильич районидаги Узоқов номли ва Алексеевский номли хўжаликларда ҳам мол ва қўйлар пахтани пайҳон қилаётганлиги аниқланди. Бу мол ва қўйларнинг эгалари СССР Олий Совети Президиумининг «Колхоз ва совхозларда экинларни пайҳон қилганлиги учун жавобгарлик тўғрисида» 1955 йил 11 январь Фармонига мувофиқ равишда маъмурий жавобгарликка тортилди. Хўжаликларга етказилган зарар мол эгаларидан ундириб олинди.

Хўжасизлик, ўз бурчини виждонан бажармаслик оқибатида айрим бригада бошлиқлари пахтанинг нобуд бўлишига йўл очиб бермоқдалар. Гузор район прокурори Майна Ҳасанова номли колхоз бригадири Н. Алиқуловнинг ишини судга оширди. Унинг жиноятқорона бепарволиги оқибатида 5 центнердан ортиқ биринчи сорт пахта нобуд бўлган. Суд Н. Алиқуловнинг ишини кўриб чиқиб, уни 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди. Иш ҳақидан 20 процента давлат фойдасига ушлаб қолинади.

Ҳудди шундай жиноятлари учун Шаҳрисабз районидаги «Гулистон» колхозидан З. Равшанов, Усмон Юсупов районидаги Калинин номли совхозидан Я. Ҳамидов, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Ф. Аҳмаджонов ва бошқалар жиноий жавобгарликка тортилдилар. Янгиқўрғон районидаги Киров номли колхозининг бригадирлари И. Эргашев, И. Ҳамидов, И. Азизов, Поп районидаги «Коммунизм» колхози звено бошлиғи Ғ. Ҳакимов ва Б. Усмонов ўртоқларнинг хўжасизлиги ҳам пахтанинг нобуд бўлишига олиб келган. Аниқланган бу фактлар юзасидан район прокурорлари тегишли чоралар кўрдилар.

Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги баъзи хўжаликларда ортиқча намликдаги ифлос пахтани тайёрлов пунктларига келтириш фактлари содир бўлмоқда. Бунинг оқибатида транспорт воситалари, ҳайдовчилар вақти бекор кетмоқда. Шуни айтиш керакки, Фарғона областидаги Ўзбекистон районининг ўзидагина мавсум бошидан буён пахта қабул қилувчи пунктлар нормадагидан ортиқча ифлослиги учун 336 тонна, ортиқча намлиги учун 77 тонна пахтани қайтариб юборганлар. Бу ҳам хўжасизликнинг бир кўринишидир. Сифатсиз пахта терилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан ҳам тегишли чора кўрилади.

Айрим хўжаликларда пахтани ташиш вақтида асрашга яхши эътибор бермаётирлар. Пахта йўлларга тўкилиб қолмоқда. Масалан, Хўжайли районидаги 174 километр йўлда прокуратура ходимлари 40 килограммдан ортиқ пахта тўкилиб қолганини аниқладилар. Пахтани ташиш вақтида Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Андижон областларида ҳам нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Текшириш вақтида колхоз ва совхозларда меҳнат интизомини бузиш ҳоллариға бутунлай хотима берилмаганлиги аниқланди. Бу эса пахта териш ва тайёрлаш суръати пасайишига олиб келмоқда. Айниқса, Наманган областидаги бир қатор хўжаликларда ана шундай камчиликлар аниқланди. Бу хўжаликларнинг раҳбарларн талабчанликни сусайтириб юборганлар.

Текшириш давомида прокуратура органлари қишлоқ хўжалик техникасидан жиноятқорона бепарволик билан фойдаланганликлари учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларнинг ижросига ҳам эътибор бердилар. Сурхондарё область прокуратураси Ангор районидаги «Қизил Юлдуз» колхози марказий ремонт устахонаси мудири Х. Жўраев устидан жиноий иш қўзғатди. Чунки, Х. Жўраевнинг айби билан 6 та пахта териш машинаси қисмларга ажратилиб, талон-торож қилиб юборилган. 3 та кўрак чувиш машинаси эса ишга яроқсиз бўлиб қолган. Худди шундай айбн учун Шеробод районидаги Киров номли колхоз марказий ремонт устахонаси мудири ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳозир уларнинг иши юзасидан тергов олиб борилмоқда.

Мансабдор шахсларнинг пахта териш техникасидан фойдаланиш, уни сақлашга хўжасизларча муносабатда бўлганлиги фактлари Чироқчи ва Охунбобоев районидаги айрим хўжаликларда ҳам аниқланди.

Республика прокуратура органлари пахта ҳосилини тўла сақлашга қаратилган қонунларнинг ижросини назорат қилиш ишларини давом эттирмоқдалар.

Н. БЎРИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР прокурори.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

НОБУДГАРЧИЛИККА ЧЕК ҚЎЙИНГ

Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» ва Ленин номли колхозларда машаққат билан етиштирилган ҳосилнинг исроф қилиниши, қабул пунктларига хом ва ифлос терилган пахта олиб келиниши каби камчиликлар учраб турибди. Бундан ташқари пахта эгат ораларидa, чаноқларда қолиб, нобуд бўлмоқда, «Пахтақайнар» колхозининг И. Абдуллаев бошлиқ участкаси бригадаларида дала йўлларининг икки четида прицеплардан тўкилиб, тупроққа қоришиб кетган пахталарни кўриш мумкин. Ш. Рустамов бошлиқ бригаданинг 10 гектар майдони машинада териб олинган. Бригада аъзолари ва 60-мактабнинг юқори синф ўқувчилари шу ердан тўкилган пахталарни териб чиқишган. Лекин иш устидан назоратнинг йўқлиги учун ҳар гектар майдонда 100 килограммдан ортиқ пахта қолиб кетган. Бригада ҳисобчиси П. Мамаразуловдан бунинг сабабини сўрадик.

— Бу сафар кечиринглар. Ҳозир қайтадан тергизаман, — деб жавоб берди у.

Салмонжон Эркабоев бошлиқ 14-бригадада бундан ҳам «антиқа» воқеа устидан чиқдик. Бригадада машина терими давом этаётган экан. Бироқ, ХТ-1,2 терим агрегатини бошқараётган Иноможон Иброҳимов шпинделларни яхши созламагани учун тўрт қатордаги пахтани бошдан-оёқ тўкиб юборган.

Ленин номли колхозда механизаторлар бажараётган ишдан кишн кўнгли равшан тортади. Улар тез-тез шпинделларни тозалаб, пахтани исроф қилмасдан теришга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо хирмонлардаги аҳвол кишини ранжитади. Б. Мўйдинов бошлиқ бригадада эса хирмоннинг ўзи йўқ. Раънохон Олимова бошлиқ бригадада пахта хом терилишига қарамасдан, ўз вақтида хирмонга ёйиб қуритилмаяпти. 3-бригада хирмони ифлос.

Ҳар икки колхоз раҳбарлари пахта нобудгарчилигига, унинг хом ва ифлос терилишига қарши курашиш, кузнинг ҳар бир ғанимат дамларидан унумли фойдаланиш чораларини кўришлари зарур.

Т. АМИНОВ,
Ўзбекистон район халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ,
«Пахтакор» газетасининг мухбири.

Рассом хатларни шарҳлайди

ОНАЛАРНИ РАНЖИТМАНГ

Жиззах район халқ контроли комитети пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш юзасидан комплекс тадбирлар ишлаб чиққан. Унга кўра пахта теримида юксак суръат ва сифатга эришиш, «оқ олтин»нинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик билан бирга оналарнинг унумли меҳнат қилишлари учун яратилаётган шарт-шароитларни текшириб бориш ҳам кўзда тутилган эди.

Назоратчилар хўжаликларнинг болалар боғчаларини текширишди. Улар Ҳамид Олимжон номли колхоз, «Коммунизм», Энгельс номли ва Ҳ. Носиров номли совхозлардаги болалар боғчалари шу кун талабларига жавоб бермаслигини аниқлашди. Боғчалар етарли жиҳозлар билан таъминланмаган, кийим илгичлар шкафлар, ўйинчоқлар етишмайди. Кўпинча болаларга гўштсиз, камқувват, бир хил таомлар бериляпти.

Боғча ходимлари санитария қонун-қоидаларига риоя қилишмайди. Ҳовлилар, болалар ўйнайдиган майдонлар ифлос, тартибсиз. Шунинг учун кўп оналар болаларини боғчага олиб келмай, уйларига ташлаб, теримга чиқишяпти.



— Бундай боғчадан уй тинчроқмикан!

УВОЛИ ТУТМАЙДИМИ?

Назоратчилар К. Маркс номли колхознинг катта кўчаларн бўйлаб бир километр юришиб, прицеп ва машиналардан тўкилган, тупроққа беланиб ётган икки килограммга яқин пахтани териб олишди. Ангор районидаги мазкур хўжаликнинг Э. Ҳуррамов бошлиқ бригадасида 6 гектар майдондаги пахта пала-партиш терилган.

Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхоз механик-ҳайдовчиларидан Ж. Бойқобилов, Ж. Тошбоевнинг айби билан 8 гектар майдондаги пахталар тоза терилмаган. Ишчи кучларидан оқилона фойдаланилмаяпти. Пахта йиғим-теримидаги асосий ишларни кўпроқ хотин-қизларга юклаш ҳоллари содир бўляпти.

Сурхондарё области назоратчилари Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди», Жарқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозларда ҳам ана шундай камчиликлар борлигини аниқлашди.



— Қизим, пахтангни ўзинг торта қол, тушликдан сўнг мудроқ босяпти...

ЯХШИ ОТ КЕЙИН ЧОПАРМИШ...

«Ёғин-сочин вақтида иш унумсиз ва машаққатли бўлишини ёдда тутиб, ҳозир, об-ҳаво яхши пайтда кунинг ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб, белгиланган нормани бажарибгина қолмай, уни ортиғи билан ҳам бажариш керак». Партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатида айтилган бу фикрлар дала меҳнаткашларини юксак суръат ва сифат билан ишлашга даъват этаётир.

Кўплаб областлар ва районлар пахта териб давлатга топшириш бўйича план ва топшириқларини оширнб бажаришаётган бир пайтда баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари: «Яхши от кейин чопади, барибир план ва мажбуриятларимизни адо этамиз», — деб, хотиржамлик кайфиятига берилмоқдалар. Андижон областининг Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Наманган областининг Задарё, Учқўрғон, Янгиқўрғон ҳамда Қорақалпоғистон АССР ва Фарғона областидаги айрим районларда айниқса бундай кайфият кучли.



— Чавандозлари қачон келишаркин!

А. Холиқов расмлари.

РАЙКОМ КОНФЕРЕНЦИЯ ТАРАДДУДИДА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Мамлакатга 80 минг тонна Ғиждувон «оқ олтин»ини армуғон этиш учун социалистик мусобақа тобора қизғин тус олдирилаётган шу кунларда райком, бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини терим суръатини тобора оширишга, қулай дақиқалардан унумли фойдаланиб, кун сайин кўпроқ ва сифатлироқ пахта тайёрлашга сафарбар этмоқдалар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида эришилган муваффақиятлар чуқур таҳлил қилинмоқда, партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар, экономикани бошқариш борасида тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, йўл қўйилган камчиликлар партиявий принципиаллик ва талабчанлик билан танқид қилинмоқда, ишни янада яхшилашга тааллуқли фойдали таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Ҳар бир кун бизни КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездига янада яқинлаштирмоқда. Коммунистларимиз, ишчиларимиз меҳнат аҳди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги ёрқин нутқи, СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси ҳужжатлари ва КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг ҳаётбахш таъсири остида яшамоқдалар. Бу тарихий ҳужжатлар ғиждувондикларнинг сиёсий активлиги, меҳнат ғайрати ва бунёдкорлик куч-илҳомини тобора оширибгина қолмай, ҳисобот-сайлов кампанияси, — деган эди Леонид Ильич Брежнев, — **партия турмушидаги алоҳида давр, олий даражадаги масъулиятли давр**дир».

Биз бу сўзларнинг қанчалик ҳаққоний эканлигини ҳозир ҳар соат ва минутда чуқур ҳис этяпмиз. Партиявий ишнинг сиёсий, ташкилий ва мафкуравий томонларида юзага келаётган жонланиш сезилмоқда. Бу айниқса, партия ҳисобот-сайловларида яққол кўзга ташланяпти. Райондаги 100 та партия группаси ва 203 та цех партия ташкилотининг ҳаммасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари муваффақиятли ўтказилди. Ҳозир бошланғич партия ташкилотларида бу йиғилишлар якунланмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари юксак уюшқоқлик, қўтаринки руҳда ўтаётир, уларда коммунистлар активлиги яққол кўзга ташланмоқда. Йиғилишлар қатнашчилари ҳисобот даврида қўлга киритилган муваффақиятларни ишчанлик ва талабчанлик билан таҳлил қилмоқдалар, йўл қўйилган камчиликларни принципиаллик билан очиб ташламоқдалар ва КПСС аъзолларининг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли, топширилган иш учун масъулиятини ошириш ҳақида конкрет фикр-мулоҳазалар юритмоқдалар.

Коммунистлар йиғилишларда билдираётган ташаббусий фикр-мулоҳазаларининг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Район партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишларини қатъий назорат остига олиб борибгина қолмай, сўзга чиқувчилар фикр-мулоҳазаларини умумлаштирмоқда. Улардан энг муҳимлари конференция ҳисобот доклади ва резолюция лойиҳаси тайёрланаётганда ҳисобга олинади.

Биз конференцияга тайёрланиш планини райком бюросида тасдиқлаб олган эдик. Ҳозир ана шу конкрет план асосида коммунистлар анжуманига тайёрланиш ишлари ҳар томонлама қизитиб юборилган. Докладнинг ҳар бир бўлими ва резолюция лойиҳасини тайёрлаш учун алоҳида комиссиялар иш кўряпти.

Комиссия аъзолари ҳисобот даврида ва, умуман, беш йилликда район партия комитети КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг шунинг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича эришган энг қимматли тажрибаларни умумлаштирадилар. Табиийки, конференция руҳида ҳам, доклад мазмунида ҳам район халқ хўжалигининг барча соҳасида қанчалик сифат ва самарадорликка эришилганлиги асосий мезон бўлиши лозим.

Ўтган конференциядан кейин районда саноат ва қурилиш ишлари анча авж олди.

Шу билан бирга, маҳсулот сифатини ошириш, қурилишларда меҳнат унумдорлигини кўтариш, ишга туширилаётган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш соҳасида айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Конференцияда асосий диққат-эътибор қўшимча резервларни излаб топиш, саноат ва қурилишда сифат ва самарадорликни ошириш, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигига эришишга қаратилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1979 йил 14 мартда Ғиждувон район партия комитетининг КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича олиб борган ишлари тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу қарор районимизнинг барча меҳнаткашлари қатори, пахтакорларимизни ҳам ишда омилкорлик кўрсатишга даъват этди. Натижада районимиздан 2 та колхоз, 35 та бригада ўтган йилнинг ўзида пахта тайёрлаш бўйича беш йиллик планни бажарди. Конференциядан конференцияга даврда олдинги 2 йилга нисбатан қарийб 30 минг тонна кўп пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик 37,2 центнердан 46,2 центнерга кўтарилди. Шунингдек, сабзавот, мева, полиз экинлари маҳсулоти етиштириш ҳам кўпайди. Районимиз ўтган йилги қишлоқ хўжалик ишлари якуни бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Чорвачиликни янада ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан ташкилотчилик ва ташаббускорликни янада кўтаришимиз керак.

КПСС XXV съезди қарорлари, партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларида ва нутқларида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар ўртага қўйилган эди. Район партия комитети ана шу юксак талаблар асосида иш кўриб, партия ички демократиясини ривожлантириш, партиявий ишда ленинча иш услубини қарор топтириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини янада оширишга қаратилган муҳим ишларни амалга оширди. Бошланғич партия ташкилотларига яқиндан раҳбарлик қилинадиган бўлди. Натижада партия ташкилотларимиз сон жиҳатдан ўсди ва гоявий томондан мустаҳкамланди. Эндиликда ҳар бир меҳнат коллективининг сиёсий ядросини қуйи партия ташкилотлари ташкил этяпти. Ўтган конференциядан буён бошланғич партия ташкилотлари сони 10 тага, цех партия ташкилотлари 4 тага, партия группалари 20 тага кўпайди. Кейинги бир йилнинг ўзида ишлаб чиқариш илғорлари ва асосан ёшлардан 135 киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш методларидан бири — уларни бошқараётган раҳбар кадрлар билан ишлашни яхшилашдан, ёш коммунистлар гоявий-сиёсий билимини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда район партия комитетида ҳафтада бир марта партия ташкилоти секретарлари куни ўтказилиши одат тусига кириб қолди.

Булардан ташқари, ҳар ойда бир марта бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинарлари ва тез-тез ёш партком секретарлари семинарлари ўтказиб турилади. Уларда кўпроқ райком секретарлари, бюро аъзолари ва бўлим мудирлари сўзга чиқиб, партиявий ишлар сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича йўл-йўриқлар берадилар. Ҳар бир бошланғич партия ташкилотига район партия комитети ва райком бюроси аъзолари, инструкторлар бириктириб қўйилганлиги ҳам яхши самаралар беряпти.

Кадрлар — олтин фондимиздир. Партиямиз кадрларнинг гоявий-сиёсий билими ва касб маҳоратини оширишга ҳамиша катта эътибор беромоқда. Шу сабабли район партия комитети номенклатурадаги кадрлар сифат составини оширишга катта эътибор бермоқда. Ҳозир уларнинг 269 таси олий ва тўлиқсиз олий маълумотли, 58 таси ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Кейинги 2 йилда янгидан 168 киши бюро тасдигидан ўтказилиб, муҳим участкаларга ишга юборилди.

Лекин кадрлар билан ишлаш соҳасидаги масала доимий шуғулланиладиган масаладир. Биз район партия комитетининг бундан кейинги ишларида ҳам, партия конференцияси докладида ҳам бу соҳадаги ишларга чуқур эътибор берамиз.

Партия конференциясида маҳаллий Советлар, касаба союз, комсомол, халқ контроли ва бошқа жамоат ташкилотлари ишини такомиллаштириш, форма ва методларини яхшилаш, коллектив орасида уларнинг роли ва обрў-эътиборини оширишга доир муҳим фикр-мулоҳазалар юритилади.

КПСС XXV съездидан кейин, айниқса, партия Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан кейин сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлиги янада ошди. Хусусан, марксча-ленинча таълим системаси ва иқтисодий ўқувларга эътибор ошди. Уларнинг мафгулотларига коммунистларимизнинг деярли ҳаммаси, меҳнат аҳлининг ярмидан кўпроғи жалб қилинган.

Шу билан бирга, идеология ишларининг турли форма ва методларидан тўла фойдаланиш соҳасида қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Биз бундай камчиликларни конференция докладида чуқур ёритиш ва келгусида уларни бартараф этиш чораларини кўрамиз.

Коммунистларимиз, партия ташкилотларимиз район партия конференциясига ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрар эканлар, бутун куч-ғайратларни ва матонатларини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга қаратадилар.

С. РАҲИМОВ,
Бухоро область Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

КАТТА ҚИЗИҚИШ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Тинчлик — халқларнинг бебаҳо бойлиги» деб аталган китоби Португалиянинг «Аванте!» нашриётида босмадан чиқди. Бу китобда Совет Иттифоқининг тинчлик, халқаро кескинликни юмшатиш учун олиб бораётган курашига бағишланган докладлар, нутқлар ва мақолалар тўпланган.

«Аванте!» нашриётининг директори Франсиско Мело Москвада ТАСС мухбирига бундай деди:

— Тинчлик учун атоқли курашчи, халқаро фаолиятга бутун дунё таҳсин ўқиётган инсон бўлмиш Л. И. Брежневнинг бу китоби Португалияда нашр этилганлиги яқинда Мадрид учрашуви очилиши муносабати билан ҳозирги вақтда муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

«Аванте!» нашриёти, деб давом этди Франсиско Мело, ҳар йили 60 ҳамда совет китобларини нашр этмоқда. Булар, асосан, ижтимоий-сиёсий адабиёт, фан ва техникага оид китоблардир. Бизнинг мақсадимиз — яқин келажакда Совет Иттифоқи билан бадиий асарларни ўзаро айирбошлашни кенгайтиришдан иборат. Кейинги йилларда Португалияда совет кишиларига, СССР фани ва маданиятига қизиқиш ниҳоятда ошиб кетди. Шу боисдан ҳам биз бу қизиқишни қондиришга ҳаракат қиламиз, чунки китоб — халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка кўмаклашувчи воситалардан биридир, деб таъкидлади пировардида меҳмон.

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

МОНГОЛИЯДА ШУ КУНЛАРДА АНЪАНАВИЙ МОНГОЛ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Улуғ Ленин ва монгол революцияси йўлбошчиси Д. Сухэ-Батор асос солган бузилмас монгол-совет дўстлигининг буюк ўзгартирувчилик кучи монгол халқига МХРП раҳбарлигида феодализмдан капитализмни четлаб социализмга ўтиш имконини берди. «МХР меҳнаткашлари, — деб таъкидлади МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, — анъанавий бузилмас монгол-совет дўстлигини ўзларининг буюк революцион галабаси, МХРнинг социалистик жамиятни тўла қуриш йўлида муваффақиятли олға боришининг асоси, бизнинг бугунги ва келгуси ғалабаларимизнинг мустаҳкам гарантияси деб ҳақли равишда ҳисоблаймоқдалар».

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва яқин ҳамкорлик солномаси кўпгина унутилмас саҳифаларга бой. Монгол-совет алоқаларини ривожлантириш тарихида 1921 йил ноябрда В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Баторнинг бевосита иштирокида тузилган Монголия ва РСФСР ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш ҳақидаги биринчи шартнома, ўзаро ёрдам ҳақидаги протокол (1936 йил), 1966 йилда имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги шартнома муҳим босқич бўлиб қолди.

Партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Монголия Халқ Республикасига, МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР партия ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстона визитлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Монгол-совет дўстлиги халқлар ўртасидаги социалистик типдаги муносабатларнинг намунасидир. СССРнинг Монголияга бераётган ҳар тарафлама ёрдами МХРП XVII съездининг қарорларини амалга оширишда, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришнинг олтинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришда муҳим роль ўйнамоқда. Монгол меҳнаткашлари ўз ғалабалари ва муваффақиятларини МХР экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда асосий роль ўйнаётган совет халқининг ҳар томонлама ёрдами билан ҳақли равишда боғламоқдалар. Шу беш йилликда Совет Иттифоқининг Монголияга кўрсатаётган ёрдами аввалги беш йилликдагига қараганда икки бараваридан кўпроққа ошади. Ана шу давр ичида СССР кўмагида кўплаб халқ хўжалигининг турли объектлари буйёд этилганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Монголиянинг барча чеккаларида совет мутахассислари коммунистчасига ва фидокорона меҳнат қилмоқдалар, ўз тажрибаларини монголиялик ҳамкасбларига ўргатмоқдалар.

Монголияда шу кунларда ўтаётган анъанавий монгол-совет дўстлиги ойлиги мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлиб, у икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намойишидир.

Н. САМПИЛНОРОВ,
монголиялик аспирант.

ҲИНДИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ СЪЕЗДИ

ТАСС мухбири Висакҳапатнам (Андҳра-Прадеш штати)дан хабар қилади:

Ҳиндистоннинг порт ва саноат шаҳри Висакҳапатнам кўчалари «Ҳиндистон меҳнаткашлари, ўз ҳуқуқингиз учун курашда бирлашингиз!», «Яшасин Умумҳиндистон касаба союзлари конгресси!» деган шиорлар билан безатилган. Бу ерда шу кунларда ўзининг 60 йиллигини нишонлаётган Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг XXXI съезди тантанали вазиятда очилди. Съезднинг кун тартибига мувофиқ, инфляцияга қарши, ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларига қарши кураш масаласи муҳокама қилинади. Меҳнаткашлар анжуманининг ишида тўрт мингдан зиёд делегат қатнашмоқда. Афғонистон, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Кампучия, Монголия, СССР, Чехословакия, Югославия касаба союз ташкилотлари шунингдек Жаҳон касаба союз федерацияси съездга ўз делегацияларини юбордилар.

Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг бош секретари К. Г. Шривастава ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: съезд империалистик мамлакатлар Ҳинд океани ҳавзасидаги мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашишни кучайтирган бир шароитда ўтмоқда. Съезд Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг XXXI съезди тантанали вазнатда очилди. Съезднинг кун тартибига мувофиқ, инфляцияга қарши, ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларига қарши кураш масаласи муҳокама қилинади. Меҳнаткашлар анжуманининг ишида тўрт мингдан зиёд делегат қатнашмоқда. Афғонистон, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Кампучия, Монголия, СССР, Чехословакия, Югославия касаба союз ташкилотлари шунингдек Жаҳон касаба союз федерацияси съездга ўз делегацияларини юбордилар.

Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг бош секретари К. Г. Шривастава ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: съезд империалистик мамлакатлар Ҳинд океани ҳавзасидаги мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашишни кучайтирган бир шароитда ўтмоқда. Съезд Умумҳиндистон касаба союзлари конгрессининг XXXI съезди тантанали вазнатда очилди. Съезднинг кун тартибига мувофиқ, инфляцияга қарши, ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларига қарши кураш масаласи муҳокама қилинади. Меҳнаткашлар анжуманининг ишида тўрт мингдан зиёд делегат қатнашмоқда. Афғонистон, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Кампучия, Монголия, СССР, Чехословакия, Югославия касаба союз

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 28 октябрь. (ТАСС). Ироқ бош қароргоҳининг ҳарбий қўмондонлигининг хабар беришича, Ироқ вертолётлари фронт линияси бўйлаб Эроннинг ҳарбий объектларига осмондан зарба берди. Душманнинг 27 танки, 7 бронетранспортёри, бир неча нефть омбори, кўп миқдорда транспорт воситалари ва ҳарбий аслаҳа-анжомлари яксон қилиб ташланди.

Дизфулдан шимолроқда жойлашган бронетанк қўшинлари ва транспорт воситалари тўпланган позицияларга, Эроннинг Бендер-Мешҳур портига ҳам осмондан зарба берилди. Бу портга анча зарар етказилди.

ТЕҲРОН, 28 октябрь. (ТАСС). Теҳрон радиосининг хабар беришича, кеча Ободон шаҳри яна тўпга тутилди ва осмондан бомбардимон қилинди. Шаҳар ҳимоячилари Хуррамшаҳрни Ободон билан боғлаб турган кўприкни ҳамон ўз қўлларида сақлаб қолмоқдалар. Хуррамшаҳрнинг шарқий қисмида қаршилик кўрсатиш манбалари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг маълумотига кўра, Эрон авиацияси кеча ироқликларнинг позицияларига зарба бердилар. Илам вилоятида ироқликлар бронетанк колоннасининг Меҳрон йўналишидаги ҳужуми тўхатилган.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди:

Денов район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Чориев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Узоқова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турсунов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Бегматов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳамзаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Едгоров, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Эсонов;

Большевистик район —район партия комитетининг секретари ўртоқ Насриддинов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Шукуров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Абдулхаиров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Карроматов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Қурбонов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Нормуродов.

Хонқа район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Жуманиёзов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Иброҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Умаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ортиқов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳакимова, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси ўртоқ Собиров;

Косонсой район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Болтиҳўжаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мамашарипов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Сотиволдиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуриддинов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Жуманиёзова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Олланазаров;

Урганч район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Жуманазаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Матниёзов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Чўпонов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ўзоқова, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳайдуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сон, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ҳўжаев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Утепов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Авезжонов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Косенко;

Ленинград район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Мирахмедов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исмоилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нишонов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Гофуржонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Назаров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Йўлдошева, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Асқаров;

Шуманай район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Шарипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Назимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ельтезеров, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Абилқосов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуроев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳакимниёзова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Сарсенбоев;

Қўшкўпир район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ваисов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ғаппоров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдураҳмонов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Раҳимов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қурбонбоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Оллабергенов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Матчонова;

Вобкент район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Наимов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бўронов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ахмедов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Шайдоев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Имомов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Авезов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Хусенов;

Гулистон район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Шукуров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Маманова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тўхтамишев, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Абдуғафуров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайруллаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тоштемирова, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Маддинов;

Жарқўрғон район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Рустамов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Боймуротов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маматхолов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Бобоназаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Донаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Алибоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Чоршанбиева;

Гурлан район — район партия комитетининг секретари ўртоқ Машарипов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Вапаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Худойберганов, райсельхозтехника бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Жумамуротов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кенгесбоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Маткаримов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Оллабергенов.



Наманган пахта тозалаш заводининг коллективи Кубанинг экспорт буюртмасини муддатидан илгари бажарди. Корхона ишчилари Озодлик ороли тўқимачиларига 850 тонна юқори сифатли тола жўнатдилар. Бу янги ҳосилдан тайёрланди. Суратда: корхона бош инженери Олимжон Хожиев ва партком секретари Исроил Исмоилов маҳсулотнинг сўнгги тойларини жўнатиш олдидан.

Х. Ҳайдаров фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТИКУВЧИЛАР РАПОРТИ

Тошкентдаги Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан ўнинчи беш йиллик учун белгиланган планни муддатидан илгари ортиғи билан бажарди. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш ҳажми аввалги беш йилликка нисбатан 1,5 баравар кўпайди.

Тикувчилар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, йил охиригача беш йиллик топшириғидан ташқари яна 13 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга, КПСС XXVI съездини келгуси йилнинг дастлабки икки ойлик планини барвақт бажариш билан кутиб олишга қарор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бадиий безаш санъати соҳасидаги самарали иши, республикада кўргазмали сиёсий агитацияни такомиллаштириш фаолиятида актив иштирок этганлиги учун рассом ўртоқ Михаил Михайлович **Степаньянц**га **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми давлат ва кооператив савдоси системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги ҳамда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун Урганч умумий овқатланиш трестининг директори ўртоқ Ражаб **Қаландаровга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва ёшларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Каттақўрғон педагогика билим юртининг ўқитувчилари Полина Петровна **Аннсимова** билан Маҳбуба **Низомиддинова** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Москвадаги XXII Олимпиада ўйинлари тўғрисида телевизион кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тайёрлаш ва ўтказиш соҳасидаги катта самарали ишлари учун Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

«ТУП ҚЎЙИБ, ПАЛАК ЁЗИНГЛАР»

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

СУРОНЛИ КУНЛАР

Машинада пахта териш «Жигули» ҳайдаш эмас экан. Буни ўз «тажрибам»да синаб кўрдим.

Аллақачон қуёш ботган. «Ўзбекистон» машинаси фаралари билан эгатни ёритиб секин юриб боради. Бу биринчи терим эмас. Илгари ҳам машина ўтган: жўяклар анча текис бўлиб қолган. Бироқ, машина муттасил чайқалади, шамол орқадан эсаётгани учун чанг ёпиради. Шовқин қулоқни қоматга келтиради...

Юз қадамча юргандан кейин ёнимда ўтирган Болтавой мотор товушини босиб учун хайқириб гапирди:

— Энди, ака, бўлди. Жуда чарчаб кетдингиз.

Қоронғида унинг юз ифодасини аниқ кўрмасам ҳам товушидаги оҳангдан гапининг маъносини тушундим. «Машинани ҳам, пахтани ҳам қийнаб юбордингиз, жойни бўшатинг энди», демоқчи эди. Пастга тушдим. Болтавой ғалати кулимсираб қўйди-да, ричагни тортди. Гоҳ олдинга, гоҳ орқага — пахта қордек ёғилиб тушаётган бункерга қараганча, машинани ипончи билан ҳайдаб кетди. Энди мотор эгасининг қўлига ўтганини билгандек боягидақа зўриқмас, хотиржам борар эди.

...Ярим кечада шийпон чироғи остида Болтавой билан суҳбатлашдик. Унинг жигалак сочлари чангдан оқариб кетган, ҳорғин кўзлари уйқусизликдан қизарган эди...

— Қарши педагогика институтини битирган экансиз. Ўқитувчилик қилсангиз ҳам бўларди-ку, нимага чўлга келдингиз?

— Авваламбор пахтакорлик менга бегона касб эмас. Болалигимдан пахта ичида ўсганман, — деди Болтавой ўйчан оҳангда. — Қолаверса бобой юракка чўт ташлаб қўйдилар. Қамаши қишлоғида Нор бобо десангиз, ҳамма танийдиган отамиз борлар. Бу йил саксон олтига чиқдилар. Шу денг, мени бир куни ёнларига чақириб, дард ёриб қолдилар. «Болам, сен ўқишни битирдинг. Худога шукур, катта-кичик ўртасида обрўинг жойида. Аммо, менинг бир ниятим бор эди. Эсимни танибманки, чўлда мол боқдим. Бир куни шу ерларга ҳам сув келса, чўл обод бўлса, бир деҳқончилик қиламан, деб дилимга тугиб қўйгандим. Кўриб турибсан, ёшим бир жойга бориб қолди. Энди мен орзу қилган нарсаларга болаларим етса, дейман», дедилар. Хўп дедим. Икки йил илгари совхозга сувчи бўлиб келдим. Кейин, беш ака-ука тўрт юз гектар ер олиб иш бошладик...

Шундай қилиб, Болтавойнинг ёнига укалари Ҳамро, Қурбон, Уроқ, Уроз қўшилишди. Ҳаммалари шу ерга — Толлимаржонга кўчиб келишди.

Бу йил беш ака-ука — Норовларнинг қилган ишига бир қарашда ишониш қийин. Улар мана, салкам икки ойдирки, пахта теришади. Биргалашиб 2155 тонна пахта теришди. Бир кунда Болтавойнинг ўзи 24 бункер терган пайтлари бўлди. Ростини айтсам, аввалига бу гапга шубҳаландим.

— Бир кунда бир одам шунча пахта териши мумкинми? — деб сўрадим совхоз директори Эмин Ризаевдан. — Аввало кеча-кундуз ишлашга одамнинг ўзи чидамайди. Қолаверса, моторнинг қизиши бор, шпиндель тозалаш бор, машинанинг синиши бор.

Эмин Ризаевнинг ўзи ҳам ёш. Оёғидан ўт чақнайдиган йигит.

— Шунақа пайтлар бўладики, одам чарчамайди. Пахта роса очилган бўлса, машина тўхтовсиз ишлаб турса, бундан ҳам кўп терса бўлади, — деди у. — Акаукаларидан кўнглим тўқ. Улар шунча машаққат билан етиштирган пахтасини териб олиш учун суткасига тўрт соатдан ухлашга рози. Машина масаласига келсак, биз ҳамма зарур қисмларни шу ернинг ўзига келтириб қўямиз. Бирон жойи бузилса, ўша заҳоти тузатилади. Теримчилар дам олаётганда ёрдамчи сменачилари мотор, шпинделларни дарров тозалайди. Оилавий экипажлар, оилавий бригадалар тузишда катта маъно бор. Улар бир-бирига ҳамиша ёрдам беришга тайёр. Бир-бирини қўллаб-қувватлайди.

Директор тўғри айтади. Бироқ, бу — масаланинг бир томони, маънавий томони. Бир-бирига ёрдам бериш, бир-бирига устозлик-шогирдлик қилиш яхши-ку, масаланинг моддий томони ҳам бор-да! Совхоз директоридан шуниси суриштирдим.

— Рост айтасиз. Бунда ҳам катта гап бор, — деди Эминжон маъқуллаб. —Чўл шароитида ишлаш осонмас, Бу ерга пул ишлаб олиш учун уч-тўрт ойга келадиганлар ҳам учраб туради. Ҳосил йиғиб-териб олингандан кейин бунақа одамларнинг кетгани кетган. Аммо, мен ўйлаганимдек, бу ерга келиб палак ёзаётган оилалар, эҳтимол, келгуси гулистон водийнинг илк боғбонлари бўлишар. «Самарқанд» совхозида мана шундай учта оилавий бригаданинг ўзи тўрт минг тонна пахта теради берди. Сафар, Чори, Илҳом, Бозор Равшановлар, ака-ука Мейли, Жума Пардаевларнинг бир-бирига елкама-елка туриб қилаётган меҳнатини кўрган кишининг ҳаваси келмай иложи йўқ. Бугунги кунгача машинаси, яна битта «Жигули» ажратди. Бу йил уларга «Нива» машинаси совға қилмоқчимиз.

Яна Болтавой билан суҳбатлашдик.

— «Волга» билан «Жигули»ни қайси бирингиз минасиз? Бу йил олинадиган «Нива» кимга тегади?

— Энди ака, бизда бир қоида бор, — Болтавой маййигида кулиб қўйди.—Отамнинг сўзини икки қиладиган фарзанд йўқ. Ўн бировимиз ҳам у киши нима десалар шунга қуллуқ қилиб турамиз. Бултур иккала машинанинг калитини отамга оборib бердик. Кимга лойиқ топсалар ўша болалари минаверади. Умуман, бизда семеки-меники деган гап йўқ. Йигирма икки жон бир қозондан овқат еймиз. Ёзда чет эллик меҳмонлар келишган эди. Шу гапга ишонишмади. Уйга оборib дошқозондан овқатлантирдик. Тўғри, баъзан қизишиб ҳам қоламиз. Янги келганда одам бўласанми, йўқми, деб укаларимни қаттиқ қойиган пайтларим бўлган. Йўқ, айб укаларимда эмасди. Шудгорлаш кечиниб кетгачи учун бошқалар, дангасароқ тракторчилар айбдор эди. Ҳаддим сиққани учун аламимни укаларимдан олдим. Албатта, бунақа гаплар отамнинг қулоғига етмайди. У кишининг бир одатлари бор: бизни қачон дуо қилсалар «Туп қўйиб, палак ёзинглар, болаларим», дейдилар. Мана, шу ерда туп қўйиб, палак ёздик. Келаси йил яна бир укам мактабни битиради. У ҳам пахтакор бўлмоқчи.

Эҳтимол, Толлимаржондаги «Самарқанд» совхозида ишлаётган кўп одамларнинг тақдири мана шу оддий, аммо жуда оқил фалсафадан бошланар. Қалдирғоч баҳорни бошлаб келганидек бу ерга келиб палак ёзаётган оилалар, эҳтимол, келгуси гулистон водийнинг илк боғбонлари бўлишар. «Самарқанд» совхозида мана шундай учта оилавий бригаданинг ўзи тўрт минг тонна пахта теради берди. Сафар, Чори, Илҳом, Бозор Равшановлар, ака-ука Мейли, Жума Пардаевларнинг бир-бирига елкама-елка туриб қилаётган меҳнатини кўрган кишининг ҳаваси келмай иложи йўқ. Бугунги кунгача 6,5 минг тонналик хирмонда, кўтарилаётган 8 минг тонналик пахта тоғида мана шуларнинг улуши энг катта бўлди.

...Машина чўл ўртасидан кесиб ўтиб асфальт йўлдан елиб бораркан, тағин ўша Нор бобонинг дуосини эслайман. «Туп қўйиб, палак ёзинглар». Мана, Нор отанинг қирққа яқин уруғ-аймоғи Толлимаржонга кўчиб келди. Бу ерда бир туп толни кўриб, толли маржонни орзу қилган Нор оталарнинг, битта қудуқ топиб унга Ойдин деб ном берган кекса чўпонларнинг дуолари бугун мустажоб бўляпти.

Яқин келажакда бу ерда Нуристон шаҳри бунёд бўлади. Электростанция қурилади. Эҳтимол, ўшанда Нор бобонинг нeвараларидан бири олим бўлар, бири энергетик бўлар... Ўшанда улар боболарининг орзуси тўла рўёбга чиққанини бир-бирларига гапириб юришади.

ЕР ҚАРИСА, ЧЎЛ БОР

Табиатнинг оқил, аммо бешафқат қоидаси бор. Ҳамма нарса қарийди. Ҳамма нарсанинг заволи бор. Одам қариса, ошини ошаб, ёшини яшаб вафот этса, иззат-икром билан ерга топширадилар. Хўш, ер қариса, нима қилиш керак? Ахир, ер ҳам қарийди-ку. Бу муаммога олимлар агротехника қоидаларига риоя қилиш керак, деб жавоб беришди. Бирингки, риоя қилинди ҳам. Барибир, ерга ҳадеб пахта экавергандан кейин, дори берилавергандан кейин ҳосилдорлик маълум бир нуқтага бориб тақалади-ку. Ундан нима қилиш керак? Алмашлаб экиш керак. Лекин бунинг учун пахтага ажратилган ерга бошқа нарса экилади. План эса йил сайин кўпайиб боряпти. Энди нима қилиш керак? Бунинг бирдан-бир тўғри чораси — янги ер очиш. Шунинг учун ҳам Қарши чўлларидан ўтаётганингизда турли районларнинг номи ёзиб қўйилган тахтачаларга кўзингиз тушади. «Шаҳрисабз массиви», «Китоб массиви», «Қамаши массиви»... Ювлаб чақирим наридаги хўжаликлар чўлга келиб янги ер очишяпти. Масофа қанча бўлмасин, ҳаражатлар ўзини оқлайди. Негаки, энг муҳими — сув келди. Одамзот туғилган чақалоққа қанчалик умид боғласа, қанчалик авайласа, пахтакорлар ҳам чўлга шунчалик умид боғлайдилар. Уни шунчалик авайлаб тарбия қиладилар. Шу боисдан Китоб район партия комитетининг биринчи секретари Яшин Султонов энг аввал собиқ Макрид чўлига йўл бошлади. Секретарнинг «Газик» машинаси текис асфальтдан борар, икки томонда бедазорлар, мактабу-монхоналар, барлар...

Мингчинордан қайтаётганимизда ёмғир ёға бошлади. Боядан бери жўшиб ҳикоя қилаётган секретарь бирдан жимиб қолди. Қоронғида юзини аниқ кўрмасам-да, кайфияти бузилганини, ёмғир далаларга эмас, унинг юрагига ёғаётганини билиб турардим. Ҳолбуки, шу куни район пахта планини бажарган, 33 минг 100 тонна пахта топширган эди. Китоб — Қашқадарёдаги энг илғор районлардан бири эканини, бутефос ўрнига кальципйдан фойдаланиш, биолабораторияларни кўпайтириш ташаббускорларидан бири эканини биладирдим. Аммо, секретарнинг куюнганича бор. Далада ҳали пахта кўп. Боягина ўзимиз кўриб ўтган далалар энди ёмғир остида мунғайиб қолганди. Секретарнинг асабийлашаётганини, ҳозир нимадир дейишини кутиб турардим. У аламини шофердан олди.

— Чўтка олиб юрсанг бўлмайдими, бундоқ? Йўл кўринмай кетди-ку! — деди зарда билан.

Шофер ғалати кулди.

— Энди, Яшин Абдуллаевич, ўзингизнинг айтганингизни қилдим-да. Ниятингни ёмон қилма, чўтка олиб юрма, деган эдингиз-ку!

Секретарь беихтиёр кулиб юборди.

— Тўғри, айтган эдим. — У бир зум ўйланиб қолдида, қўшиб қўйди. — Шу савил ўн-ўн беш кун кейин ёғса бўлмасмиди?

Бу гапни у истироб билан айтди. Унинг маъюслиги қолиши, пахта тақдири учун куюниши Норбобонинг болаларига қилган насиҳати билан, Болтавойнинг аччиқ устида укаларини койиши билан оҳангдош эди. Шуларни ўйлаганимда, ёзда бўлиб ўтган бир суҳбат ёдимга тушди. Дам олишга борганимда донецклик шахтёр йигит билан дўстлашиб қолдим. Пахта ҳақида гаплашдик. «Пахта териш ҳам гул теришга ўхшаса керак, — деди шахтёр дўстим. — Телевизордан кўрсатишади. Атлас кўйлакли қизлар ашула айтиб пахта теришар экан». Ўшанда мен этак боғлаб юз кило пахта териш забой болғаси билан бир машина кўмир қазишдек иш эканини айтганимда дўстим унча ишонмаган эди. Мен эса пахтанинг ўз қўшиғи бор деб биламан. Бу — атлас кўйлакли қизлар ҳилпиратиб ялла айтиш эмас. Бу қўшиқ саратон пайтида 50 даражагача қизиб кетган сувни алюмин кружка билан лаби куйиб ичган йигитнинг энтикиб олган нафасида жаранглайдиган қўшиқ. Бу — терим машиналарининг суронли қўшиғи. Кечалари пахта пунктига шошилиб бораётган қатор-қатор тележкаларнинг шовқинли қўшиғи. Акасига, синглисига ёрдам бериш учун ҳашарга чиққан студент йигитнинг оқшомлари кўппачага ҳорғин суяниб чалган рубобидаги қўшиқ. Энди бўйи етган қизнинг эрталаб ҳашарга чиқиб кетаётганида кечаси кўрган сирли тушини дугонасига шивирлаб айтган орзуларидаги қўшиқ! Бу — қўлидаги китобни бир чеккага қўйиб, кун ёриши билан далага шошиладиган мактаб боласининг мусаффо қалбидаги қўшиқ. Бу — белини етти жойидан боғлаб, пахта увол бўлмасин деб ёрдамга чиққан кекса отанинг қуроний юзидаги сўзсиз қўшиқ. Бу қўшиқни бугун бутун Ўзбекистон куйлаяпти. Бу қўшиқни бутун мамлакат эшитяпти. Фақат мамлакат эмас, юздаб хорижий шаҳарлардаги минглаб корхоналарнинг ўзбек пахтасига маҳтал бўлиб турган юз минглаб дастгоҳлари тинглаяпти. Дунёда бундан суронлироқ, бундан ҳаяжонлироқ қўшиқ бўлмаса керак.

Ўткир ҲОШИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/Х да **Абу Али ибн Сино.** 31/Х да **Кўрмайин бос. дим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —30/Х да **Олифта,** 31/Х да **Хўжайин,** 1/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

Цирк

Тошкент давлат циркида — «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» аттракционининг гастроллари (19.30).

Л. М. Исаев номидаги Ўзбекистон медицина паразитологияси илмий-тадқиқот институтининг

ПРОТОЗОЙ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛИМИ

патоморфология ва электрон микроскопия группасининг катта илмий ходими

ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ— ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700107. Тошкент шаҳри-107, Фарҳод кўчаси, 16-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: умумий теплотехника, гидравлика ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва излаш (инженерлик геодезияси курси бўйича);

кафедра катта ўқитувчилари (фан кандидатлари): автомобиль йўлларини қуриш технологияси ва эксплуатацияси, йўл машиналари ва ускуналари;

кафедра ассистентлари: йўл машиналари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш, бухгалтерия ҳисоби, автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва излаш (инженерлик геодезияси курси бўйича), автомобиль йўлларини қуриш технологияси ва эксплуатацияси, чизма геометрия ва чизмачилик, кўприклар ва тоннеллар, жисмоний тарбия ва спорт, автотракторли двигателлар, автотранспорт экономикаси ва уни ташкил этиш.

Конкурс муддати — 15 ноябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, ГСП, К. Маркс кўчаси, 32-уй. Кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЯНГИ ПРОГРАММА

РСФСРда хизмат кўрсатган артист Валентин ИВАНОВ ва Ванда ИВАНОВА раҳбарлигидаги

СССРДА ЯГОНА «ШИМПАНЗЕЛАР ЦИРКИ» АТТРАКЦИОНИ

Совет циркининг етакчи артистлари қатнашадилар.

Доимо манежда масхарабоз Юрий КАРАШКЕВИЧ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Томошалар соат 19.30да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00ДАН 20.00 ГАЧА ОЧИҚ.

44-35-84, 44-35.91 телефонлари бўйича справка олиш мумкин.

АЖОИИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЭСКИ АРИҚНИНГ СИРИ

Бухоронинг кўҳна ариғи Шоҳруд электр маржонига беланди. Ҳозир порлаб турган чироқлар унинг қадимги ўзанини чизиб тургандек туюлади. Таъмирчилар тарихий хроникалар ва сақланиб қолган озгина ҳужжатларга асосланиб каналнинг бутун 5 километрлик трассасини тикладилар. Бир вақтлар бу канал шаҳарни сув билан таъминлаб турарди. Бир неча асрлар мобайнида ариқни икки метр қалинликда лой босиб, кейин қурилган иморатларнинг пойдеворлари остида йўқолиб кетган эди.

Таъмирчилар кўҳна ариқ ўзанини очиб, унга бетон ётқизадилар, мармар билан безадилар. Шундай қилиб, Шоҳруд Бухоронинг янги кварталлари орқали машҳур Лабиҳовузга сув бера бошлади. У шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига яна обиҳаёт эҳсон этмоқда, маржон чироқлар эса оқшомлари канал атрофларидаги қадимги меъморий ёдгорликлар жамолини очмоқда.

(ЎзТАГ).

ТУ-154—БУХОРОДА

Куни кеча ТУ-154 самолёти Тошкент — Бухоро маршрути бўйлаб биринчи марта техник рейс билан қадимий шаҳар марказидаги аэропортга келиб қўнди. Ҳаво лайнери Урганч, Қарши, Фарғона, Нукусдан кейин бу ерга келди.

Самолёт командири, биринчи класс учувчи Владимир Евсеевич Алемаскин суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Авваллари ИЛ-18 самолётини бошқарардим. У вақтларда бу ҳаво лайнери ҳам ўзига хос ҳусусиятга эга эди. Энди бўлса самолётларнинг янгидан-янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги синаб кўрилаётган самолёт бошқариш учун жуда осон, моторларнинг гувиллаши ҳам йўловчининг асабига таъсир қилмайди. 10—11 километр баландликда соатига 960 километр тезликда учиб, унга бетон ётқизилган муддатидан анча илгари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Келгусида Тошкент —Бухоро — Москва ўртасида қатнайдиган ТУ-154 самолёти Бухорони Минералные води, Сочи, Ленинград, Киев, Симферополь шаҳарлари билан ҳам боғлайди.

Бухорога биринчи марта техник рейс қилингани муносабати билан бу ерда кўп кишилик митинг бўлди. Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Жамолов, область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Амў-Бухоро машина канали қурилиши бошқармаси экскаваторчилар бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, В. Журавлев, Бухоро область колхоз қурилиши трести прораби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Б. Эгамов, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг бошлиғи, СССРда хизмат кўрсатган учувчи Г. Рафиков ва бошқалар митингда нутқ сўзладилар.

Яқин вақтлар ичида Бухорога ИЛ-62 самолёти ҳам қатнаши мўлжалланган.

Т. УНАБОЕВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ҚҚАССР

ТЎҚИМАЧИЛАРГА ТОЛАЛАР

НУКУС (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). Съездолди социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётган «Қарақалпақзаготхлопкопром» бирлашмасига қарашли пахтачилик саноати корхоналари коллективлари янги ҳосилни қайта ишлаб чиқаришни кизғин давом эттиришмоқдалар. Тўрткўл, Беруний, Манғит пахта тозалаш заводларининг коллективлари тола ишлаб чиқаришда автоном республика корхоналари орасида пешқадамлик қилмоқда. Бирлашмага қарашли корхоналар кунига 350—450 тоннадан ошириб пахта толаси ишлаб чиқаратир.

Куни кеча РСФСРнинг тўқимачилик комбинатларига минг тоннадан кўпроқ янги пахта толаси жўнатилди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ҚУРИҚ МУЪЖИЗАСИ



Қовоқдан юқори ҳосил

Ҳар бирининг оғирлиги 60—70 килограмм тош босадиган қовоқларни кўрганмисиз? Бундай залворли қовоқлар Гулистон районидаги қўриқ «Комсомол» совхозида етиштирилди.

— 30 гектарли майдонда бундай бўлиқ қовоқларни етиштиришни ўзи бўлмади, — деди бригада бошлиғи Ҳ. Халимов. — Гектарига етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғит солинди. Айни пайтда «шарбат» билан суғоришга алоҳида эътибор бердик. Қовоқ ташишдаги қийинчиликларни айтмайсизми? Чўлқувар деҳқонлар бунинг ҳам эвини топишди. Махсус аравачалар ясалиб, ҳосилни йиғиштириб олдик.

Чўлқуварлар хоснятли қовоқлар экиладиган майдонларни янада кенгайтиришни мўлжаллашмоқда. Шу кунларда келгуси йил қовоқ экиладиган ер танланиб, маҳаллий ўғит ташиш бошлаб юборилди. Суратда: қовоқ қучоғимга сиғмаяпти, — дейди 1-синф ўқувчиси, чўлқувар фарзанди Темир Назиров.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

МЕҲНАТКАШЛАР ДАМ ОЛИШИНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

ТОШКЕНТЛИКЛАР ЧИРЧИҚ СОҲИЛИДА

Чирчиқ дарёсининг ёйилиб оқадиган жойи. Яшил соҳилдаги дарахтлар таги гавжум. Қўлларида сават кўтарган ёшлар наъматак, жийда териб юришибди. Дарё соҳилларида қатор-қатор чодирлар тикилган. Узаро давра қурганлар, балиқ шўрва пишираётганлар, шахмат донаси сураётганлару теннисчилар кўзга ташланади.

Катта оқ чодир ёнида дам олаётганлар билан қизиндиқ. Булар Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиларидан Аванесян ва Маҳмудовлар оиласи экан. Фарзандлари ўсимликлардан гербарий тўплашарди. Ўзларни эса балиқ овлаб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Дарахтзорлар орасидан гармон овози эшитилади. Бу ерда «Ташсельмаш» заводи ишчиси О. Расулмуҳамедов, К. Нарочитовларни учратдик. Улар Горький шаҳридан келган меҳмонлари билан дам олишаётган экан. Кондитер маҳсулотлари инженери Анна Васильевна билан ўқитувчи Валентина Ишимова ўз таассуротларини шундай баён қилишди:

— Горький шаҳри Волга дарёси бўйида. Биз Чирчиқ соҳилидамиз. Лекин, азим Волга сувини, балиқчилар кемаларида сузиб юрган йигит қизларни кўриб турганимиз. Биз бу ерда ўзимизни ўз уйимизда юргандек ҳис қилаётирмиз. Тошкентликларнинг дам олиши учун ҳамма имкониятлар яратилган. Саховатли куз табиати бизни мафтун этяпти.

Чирчиқ соҳилида дам олиш учун келган шаҳарликларнинг сон-саноғи йўқ. Бу ер эрта баҳордан кеч кузгача гавжум. Ҳар куни шаҳардан дарё соҳилига қараб йўл олган машиналар сони 1,5 мингдан ошади. «Роҳат» кўли шаҳримизнинг энг севимли оромбахш дам олиш маскани бўлиб қолди. 300 дан ортиқ моторли қайиқ, 10 га яқин спорт комплекси шаҳарлик дам олувчилар ихтиёрида.

Тошкентнинг Ленин, Ҳамза, Октябрь, Фрунзе районлари ошхона трестлари, Коммунистик, Оржоникидзе, Калинин, Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятларининг савдо ходимлари шаҳарликларга хизмат қилаётир. Дам олувчилар учун «Ташлимводторг»нинг 200 га яқин кўчма дўкони мороженое ва бошқа салқин ичимликлар билан савдо қилмоқда.

Бу йил қиш мавсумида «Бахт», «Роҳат» кўллари ва Чирчиқ дарёси ҳавзаларида спортнинг қишки тури — чанғи ва конькида машқ қилиш майдони ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Бу билан соҳилда йил бўйи оммавий дам олиш учун имконият яратилади.

Р. НСҲОҚОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Горичлар, қаердасиз! 10.45 — Ўспиринликнинг биринчи тонги. Бадиий фильм. 2-серия. 11.50 — Концерт. 12.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Уфқ. 16.50 — Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари. 17.05 — Рус тили. 17.35 — Москва комсомолининг ишлари. 18.05 — Ўсмирлар ижоди. 18.35 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15— Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ ижодиёти. 20.25 — Ўспиринликнинг биринчи тонги. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30— Время. 22.15 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Саксонинчи йил қўшиқлари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатув. 12.00 — Санъат ғунчалари. 12.30 — Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти. 13.00 — Шеърият дафтаридан. 13.20 — Матонат. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 —КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Муаммолар ва изланишлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.30 — Қора карвон. Бадиий фильм.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Инглиз тили. 21.55. — Комсомоллар отлядилар. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Қўшиқ — қалбим менинг. 9.35 — Республика композиторларининг романслари. 10.30 — Т. Жалилов номли давлат халқ чолғу оркестри ижро этади. 11.15 — Музикали Тошкент. 12.00 — Гулла, яшна қўриқ ўлка! 13.00 — Чорвадорлар зарбдор вахтада. 14.00 — Илғор механизаторлар ҳақида ҳикоя қиламиз. 18.15 — Ҳисобот ва сайлов йиғилишлари давом этмоқда. 18.25 — Ёшлик. 19.25— Кекса ижрочилар концерти. 20.15 — Севги қўшиқлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчилари VIII съездининг делегатлари сўзлайдилар. 21.30— Чорвадорлар учун эшиттириш ва концерт. 22.30 — Классик шоирларининг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15— Дам олиш концерти.

Ўзбекистон Рассомлар союзи, Ўзбекистон бадиий фонди ва республика Халқ санъати усталари бирлашмаси коллективлари республиканинг етакчи бадиий нақш устаси, СССР Рассомлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

Уста Жалил ҲАКИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг республика радио эшиттириш коллективи пропаганда бош редакциясининг катта редактори Б. Ражабовга отаси

Муҳаммадражаб БОБОЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-23; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02336. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 250. 7